



Даддахон
Нурий

АЗИМ
ЧИНОРДАР
ПАНОҶИ



James J. - 08

ДАДАХОН НУРИЙ

**АЗИМ
ЧИНОРЛАР
ПАНОҲИ**

(Бадиа-қисса, эсселар)

**«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2010**

Нурий, Дадахон.

Азим чинорлар паноҳи: (Бадиа-қисса, эсселар). — Т.: «Sharq», 2010. — 240 б.

Ёзувчи, публицист Дадахон Нурийнинг ушбу китобида адабиётимизнинг улуғ салафлари — меҳрибон ва мушрик устозлар муҳаббати билан эсланади, ўзига хос завқ, шавқ билан тасвирланади.

ББК 84 (5Ў)6

ISBN 978-9943-00-311-8

АДИБГА ТИЛАГИМ

Абдулла Қаҳҳордай талабчан, “қаттиққўл” Инсон устимиздан чиқарадиган “ҳукм”ни эшитиш учун у кишининг ҳузурига ёшгина йигитча Дадахон Нурий билан бирга борганмиз ва Устознинг оқ фотиҳасини олганмиз.

Дарвоқе, Дадахон Нурий ҳозирги пайтда энг фаол ижод қилаётган адибларимиз қаторида туради. Кейинги уч йил мобайнида унинг иккита йирик асари босилиб, ўқувчилар қўлига етди. Мен уларни мамнуният билан қизиқиб, ўқиб чиқдим. Ҳозир китоб дўконларидан тополмайсиз — шунинг ўзи адиб ижодининг қай даражадалигини кўрсатиб турибди.

Мана, ниҳоят, унинг яна бир янги асари дунёга келди. («Жаҳон адабиёти» журналининг 2005 й. январ сонисида эълон қилинган «Қулатилган чинорлар паноҳи» асари ҳақида гап кетмоқда). Бу олдингиларидан ҳам қизиқарлироқ, ўзига хос услуб, ташбеҳларга бойлиги билан ажралиб туради. Ҳассос Абдулла Қаҳҳор, аллома Ойбек каби қатор мўътабар сиймоларнинг ҳали кўпчилик назаридан “панароқ” бўлиб келган тақдир қисматлари далил-исботлар асосида маҳорат билан шундай тасвирланганки, ўқиган ҳар қандай одамни ҳаяжонга солади, Буюкларнинг Буюклиги янада яққолроқ намоён бўлади.

Укам Дадахон Нурийга тилагим — унинг бундай асарлари кўпаяверсин, соғ-саломат бўлсин!

Тўлепберген Қаипбергенов,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон ва
Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси.

Дўстим Дадаҳои

1964 йил бўлса керак, қишининг ярим кечаси илк қиссангиз «Оқшом қўшиқлари»ни ўқиб, роса қувонгандим...

Ушбу янги асарингиз қаҳрамонлари йироқ яқиндан жуда таниш бўлганликлари учун сира зерикмасдан ўқилди. Шунчалик бўлар-да, бир китоб.

Сиз ёзувчи сифатида каломингиз ҳавас қилгудек.

Гўзал асар билан ўзингизни, барча ўқувчиларни табрикласа арзийди.

Рауф Парфи,

Ўзбекистон халқ шоири.

АЗИМ ЧИНОРЛАР ПАНОҲИ

Биз болалар ва домлалар

Урушдан кейинги тинч ҳаётнинг еттинчи йилига қадам кўйилган бўлса-да, ҳали унинг асоратлари ҳар жабҳада кўзга ташланиб турар, биз ўқийдиган мактаб ҳаётига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмаганди.

Айниқса, синфимиз аралаш-қуралашлиги билан бошқа синфлардан мутлақ фарқ қиларди. Бу дегани овози дўриллаб, мўйлови сабза уриб қолган ўсмир йигитлардан тортиб, катта опаларимиз қатори қизлар ҳам биз билан бирга ўқишар, бўй-бастларига қараб, орқароқ парталарда ўтиришарди.

Лекин “катта”ларнинг савлати босибми, синф раҳбаримиз интизомни қаттиқ тутишиданми, ҳаммамиз намунали ўқувчи ҳисобланардик. Унча-мунча тўполоп аксар биз тирранчалардан чиқар, шунда “акахон”лар дарров гирибонимиздан олиб ёки чарсиллатиб пешонамизга чертиб, тартибга чақириб кўйишарди.

Сирасини айтганда, синфимиз ҳар жиҳатдан бошқачароқ, мактабда бирон шонли сана муносабати билан саф тортиладиган бўлса, пасту баланд туришимизнинг ўзи гаройиб эди.

Хуллас, попуги дўпписига мос деганларидай бизга сабоқ берадиган муаллимларнинг ҳам феъл-атвори турли-туман эди: бадантарбия ўқитувчимиз озғиндан келган, қилтириқ, шу билан бўйи ниҳоятда узун — икки газдан юқори одам эди. Синф раҳбаримиз уни узундан-узоқ қилиб “Анатолий Илларионович Максимов” деб таништирган бўлса-да, биз ўзимизга мослаб “домла Махсумов” деб атай бошладик. Умуман, мактабда ҳамма уни шундай деб чақирарди.

“Махсумов” узокдан киши кўзига тўй-томошаларда сурнайчилар қуршовида пайдо бўлиб қоладиган “ёғоч-

оёқ”нинг ўзгинаси бўлиб кўринарди. Шу одам бизларга биринчи дарс ўтиш учун кираётиб, пешонасини синфимиз эшигининг юқори кесақисига уриб олган, ўрисчалаб нималардир деб сўкинганди. Шундан бери ҳар гал дарсга икки букилиб кириб келадиган бўлган.

“Махсумов” одатдагидай бизларни турғазиб, саломалик қилиб ўтирмасди. Анча тили келишмай бўлса-да, фамилияларимизни бирма-бир ўқиб, ҳамма синфдалигига ишонч ҳосил қилгач, дароз қоматини тик тутиб “раз-два, раз-два” деб машқ бошлар, ўнгу сўлга ўгирилиб ҳар қаддини букканда, айниқса оёқларини азот кўтарганда суяклари шақиллаб бир-бирига урилгандай хунук овоз чиқарар, ана ўшанда “Биология кабинети” деб аталувчи хона бурчагида турадиган, баъзан бизлар қия очик эшикдан кўрқа-писа қараб кўядиган одам скелети (уни шахар ташқарисидаги “Авлиё бува” қабристонидан келтиришган дейишарди) тушимизда эмас, кўз ўнгимизда намоён бўлаётгандай туюларди... “Махсумов”дан баҳо олиш минг азоб эди: рўйхат бўйича биттадан болани доска олдига чиқариб кўйиб, ўзи кўрсатган машқларни қайтариб кўрсатишни талаб қилар, “раз-два”сига монанд хатти-ҳаракатни бажаргунча она сутимиз оғзимиздан келарди.

Математикадан овози отинойиларникидай шикаста, юзи сепкилли, миқтидан келган Маъмур абзий деган йигит дарс берарди. Унинг ҳам бошқаларникидан ўзгачарок одати бор эди: оппоқ, ингичка, узук таққан бармоқлари билан синф журнаlinesи кўкрагига маҳкам босганича “ваъ-алейкум-ваъалейкум”лаб кириб келар, курсига орқаси тегиб улгурмай ўтган сафар қайси масала ечими қаерда тўхтаб қолган бўлса, ўша ердан давом эттириб кетаверар, барчамиз унинг хотирасига қойил қолардик.

Тарих ўқитувчимизнинг тиллари чучукроқ эди. Айниқса “с” ҳарфини айтолмасди. Лекин овоздан худо берганди — “Душман Метопатамияга боттириб кирди” дега-нида дераза ойналари зириллаб кетарди.

Адабиёт муаллимимиз Салмонжон домлани-ку кўяверинг, у киши нукул шеър ёдлатарди. Энг кўп шеър билганларга қаторлаштириб “беш” кўйиб ташлайверарди. Кичкинагина, чайир Нишонбой дўстимиз Ойбекнинг “Темирчи Жўра” достонини ёд айтиб, бир куннинг ўзида иккита аъло баҳо олган ва домланинг “сендан шоир

чиқади” деган таҳсинига сазовор бўлган... Энг қизиғи, бу муаллимимиз бизларга шеър айттириб қўйиб, кўзларини юмиб олганча тинглаб, ҳузур қиляптими, мизғиб олаяптими билиб бўлмасди.

Кўпни кўрган муаллим

Иккинчи чоракдан бошлаб табиий география фанидан сабоқ ўтадиган бўлдик. Синф раҳбаримиз таомилга кўра янги ўқитувчини бошлаб кирди. У киши дум-думалоқ — калта бўй, ҳабашга ўхшаш қоп-қорагина, жингалак соч, негадир нафас олса, хириллагандай овоз эшитилиб, боши билинар-билимас силкиниб қўядиган, япалоқ юзлари чўтир киши эди. Ёши қирқлар атрофида бўлса керак.

Ҳаммамиз ўрнимиздан турдик.

— Суннат Алиевич Аюпов, — дея таништира бошладим ая, — Тошкентдай пойтахт шаҳардан, САГУни битириб, сизларга дарс бергани келдилар. Биласизларми, “САГУ” нима? — Нафиқова бир лаҳза жимиб қолиб, сўнг алоҳида оҳанг билан таъкидлади, — “САГУ” — энг катта университет! У ерда ҳар ким ҳам ўқийвермайди!..

Янги муаллим бир қўлидаги ярим қулочча чиқадиган ялтироқ таёкни стол устига қўйиб, бошидан шляпасини олди, қуллуқ дегандай барчамизга таъзим этиб қўйди. Унинг бу қилиғи цирк масхаравозининг томошабинларга қарата қилган “салом”ига ўхшаб кетарди.

Суннат Алиевичда ҳам ўзига яраша хислатлар мавжудлиги дарров аён бўлди. Дарвоқе, буни ўша куннинг ўзидаёқ ҳаммага маълум этиб, шундай деди:

— Ҳа, биз “САГУ”ни, яъни Ўрта Осиё Давлат университетини, яна бошқачароқ қилиб айтганда, ўша қутлуғ даргоҳни аъло баҳолар билан битирганмиз. Шунингдек, катта-кичик, — бирдан Суннат Алиевич сўзлашдан тўхтади, кафтини пешонасига “соябон” қилди, худди олисларга тикилаётгандай орқа парталарда ўтирганларга қараб, қошларини чимирди, — вой-бўй, ўнқир-чўнқир, пасту баланд, чинданам “мошхўрда” экансизлар-ку... Хуллас, каттаю кичик сиз зотларга шуни маълум қиламизки, бизнинг дарс ўтишда ўз методикамиз бор, — у негадир “миз”лаб кўпчилик номидан гапирарди, — яъни бу методика шундан иборатки, дарснинг чорак қисмини “Са-

вол-жавоб сабоғи”га ажратамиз. Яхшилаб ўйлаб кўринг: саволни ким кўпроқ бериши мумкин?! — домла бир лаҳза ҳаммага тикилганча жимиб турди-да, сўнг давом этди. — Билимга қизиққан, бефарқ бўлмаган, мушоҳадаси кенг болалар! Жавобни ким қайтариши мумкин?! — Суннат Алиевич қошларини чимириб савол назари билан қаради. — Мана, биз! — дея кўкрагига уриб, сўзига якун ясади. — Саволнинг салмоғига қараб баҳо қўйилди. Энди дарсни бошлаймиз, — домла костюмининг чап енгини тирсагигача тортиб, соатига қараб олди, орқада ўтирган кимларнидир огоҳлантирди. — Кўллар кўтарилмасин. “Сабоқ соати”га хали вақт бор!

Шундан кейин доска юзига кўрпадай қилиб (ўзи ҳам жуда катта эди-да!) “Табиий география” харитаси ёзилди. Кавказ тоғларининг гўзал табиати, ажойиб манзаралари ҳақида шундай ҳикоялар бошланиб кетдики, ҳаммамиз оғзимизни ланг очганча анграйиб қопмиз... Дарс давомида қийқирик, “хай-ё хайт”, “гулдур-гулдур” овозлар авжга чиқиб эшитилиб қолар, бу биз болаларники эмас, янги ўқитувчимизники эди: “Ана, чўққиларида оппоқ қор қуёш нурларида ялтиллаб турган муаззам тоғлар. Улар этагидаги қалин ўрмонни қаранг! Шу ўрмон оралаб, сўнгра кўм-кўк ўтлоқ майдон узра бир-бирини қувалаб, жуптанг-жуптанг қилиб кийиклар чошиб юрибди. Оҳ, уларнинг гўзаллигини таърифлашга тил ожиз! Қаранглар, қаранглар, бошига қоракўл терисидан тикилган узун қалпоқ кийиб олган овчи такатанг-такатанг қилиб, от чоптириб келиб қолди-ку! У билинтирмай эгардан тушди, палма дарахтлари оралаб ўтди, мевалари фарқ пишган мандарин шохлари орасига яширинди. Милтигини тўғрила-аб, баданглатиб отиб юборди-ю... хайрият, хайрият, эҳ, яхшилар, омонлик-омонлик! — ўқ нишонга тегмади. Кийикжонлар яна жуптанг-жуптанг қилиб, ўз ватанлари — олис тоғлар томон қочиб қолишди...”

Тасаввур қилинг, бу тафсилотлар шунчаки моҳирона шавқ-завқ билан айтиб берилаётгани йўқ. Бақбақаларидан тортиб кенг пешоналаригача жиққа тер қоплаб кетган домламиз парталар оралаб кийик мисол “жуптанг”-лаб чопа бошлайди, бир қарасангиз от устида “қамчи” (қўлидаги таёқ)ни ўйнатиб чавандоз мисол хайқиради, бир қарасангиз, охирги партада ўтирадиган Собиржон



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/2508> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/2508> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/2508>